Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 19 июль, шанба • № 57 (10.935) • Эркин нархда сотилади

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА

БУЮК БАЙРАМГА — МУНОСИБ ҲОЗИРЛИК

ШУ КУНЛАРДА жойларда улуғ байрам — республикамиз мустақиллигининг олти йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. 16 июль куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда шаҳар ва туманларда ана шу байрамга тайёргарликнинг бориши ва амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Мажлисда вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимининг муовинлари, вилоят қасаба уюшмалари кенгаши вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова бошқарди. Мустақиллик куни биз учун энг буюк ва табаррук байрам. Ушбу байрамга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, жойларда белгиланган тадбирларнинг бажарилишига эришиш, энг муҳими, бу байрамдан ҳеч кимнинг четда қолмаслигини таъминлаш лозим. Айни вақтда мустақилликнинг олти йиллигига бағишланган объектлар қурилишини ўз вақтида битказиш, тадбирлар ўтказиладиган хиёбонлар, маданият уйлари ва саройлар ҳамда кўчаларни тайёрлаш, шаҳар ва туманларда ободончилик ишларини авж олдириш, ҳозирлик ишларига барча жамоаларни кенг жалб этиш кечиктириб бўлмас вазифалардир.

Йиғилишда барча шаҳар ва туман ҳокимликларига тегишли вазифалар юклатилди.

Шунингдек, мажлисда жойларда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан белгиланган дастурларнинг бажарилишини таъминлаш, мактаблар, касалхоналарни қишки мавсумга тайёрлаш, болаларнинг ёзги таътилини мароқли ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

КЕНГ НИШОНЛАНАДИ

1998 ЙИЛДА мамлакатимизда ҳадис илмининг султони, буюк аллома, ватандошимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланади. Алломанинг бой меросини янада чуқурроқ ўрганиш, асраб-авайлаш, қадрлаш ва халқимизга етказиш улуғ савоб ишдир.

Шу мақсадда вилоят ҳокими Тошкент вилоятида ҳам Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Юбилейни ўтказиш вилоят ташкилий қўмитаси тузилди. Қўмита зиммасига вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари, шаҳар, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда Имом ал-Бухорийнинг номи, издошлари ва даври билан боғлиқ қадамжоларни аниқлаш, обидалар рўйхатини тузиш ҳамда уларни таъмирлаш юзасидан таклифлар киритиш вазифаси юклатилди.

Республика маънавият ва маърифат жамоатчилик марказининг вилоят бўлимига ҳокимлик билан биргаликда «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутган ўрни» мавзуида илмий-амалий анжуман ташкил этиш ва Зангиота туманидаги «Занги ота» мажмуида алломанинг юбилейига бағишланган вилоятнинг оммавий тадбирини ўтказиш юклатилди.

Қарордан Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигига тайёргарлик билан боғлиқ бошқа тадбирлар ҳам кенг ўрин олган. Айни кунларда вилоят шаҳар ва туманларида бу тадбирларни бажаришга бағишланган ташкилий ишлар бошланиб кетди.

ТАЪСИС МАЖЛИСИ ЎТКАЗИЛДИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси тузилганлиги жойларда матбуотнинг мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги нуфузли ўрнини белгилаш, жамиятни демократлаштириш ва халқимизнинг маънавий, мафкуравий, ҳуқуқий савиясини кўтаришда муҳим роль ўйнамоқда. Шу мақсадда вилоятларда унинг бўлимлари тузилмоқда.

Ўтган куни вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг Тошкент вилоят бўлимини тузишга бағишланган таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари, қатор жамғармалар бошлиқлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, вилоят, шаҳар, туман ва кўп нусхали газеталарнинг вакиллари иштирок этдилар.

Таъсис йиғилишини вилоят ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг ҳамраиси Ҳ.Дўстмуҳаммедов, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Ф.Муҳиддинов, Бўка тумани «Халқ овози» газетаси муҳаррири Э.Йўлдошев, «Рабочий Бекабада» газетаси муҳаррири В.Пан, вилоят матбуот бошқармаси бошлиғи Ш.Миралимов, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими раиси Р.Шералиев, «Ташкентская правда» газетаси бош муҳаррири А.Ҳўжаев, Чирчиқдаги «Кибо» қўшма корхонаси бош директори Ш.Мирсоатов, вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи А.Раҳимовлар вилоятда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг бўлимини таъсис этиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидладилар.

Таъсис йиғилишида жамғарма вилоят бўлимининг низоми тасдиқланди ва унинг бошқарув органлари тузилди. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси вилоят бўлимининг раиси этиб «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бош муҳаррири Ф.Муҳиддинов сайланди. Бўлимнинг ижрочи директори этиб Юқоричирчиқ туман «Суръат» газетасининг муҳаррири С.Абдуллаев тасдиқланди.

ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 17 ИЮЛЬ КУНИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам депутатлар!
Азиз қардошлар!
Қадрли дўстлар!

Авваламбор, бу кўҳна заминда сизлар билан кўришиб турганимиздан ғоятда хурсандман. Бугун биз муштарак тақдиримизни, ёруғ истиқболимиз ва равнақимизни бунёд этишдек масъулиятли бир даврни бошдан кечираяпмиз.

Қорақалпоқ халқи қадимий ва бой тарихга эга. Унинг миллий маданияти, жозибали санъати, мумтоз адабиёти, қадриятлари, удум ва анъаналари оламга машҳурдир.

Мустақиллик туфайли қорақалпоқ халқи жуда кўп қадриятларини қайта тиклаш имкониятига эга бўлди. Адолат ва тенглик, озодлик ва эрк учун курашган Ерназар Олакўз, Оллоёр Дўстназаров сингари халқ қаҳрамонларининг -- жасоратли, ўт юракли қорақалпоқ фарзандларининг орзу-армонлари амалга ошди.

Миллий маданият ва маънавиятнинг қарор топишига, қорақалпоқ халқининг классик шоирлари Бердақ, Ажиниёз боболар ижодий меросларининг тўла тиклашига, азиз хотираларининг улуғланишига йўл очиб берди.

Бугунги кунда Ибройим Юсупов, Тўлепберген Қаипбергенов, Тиловберген Жумамуратов каби қорақалпоқ ёзувчи ва шоирларининг асарлари халқларимиз маънавий хазинасидан муносиб жой олди.

Собир Камолов, раҳматли Чаржау Абдиров каби йирик олимлар Ўзбекистон фани ривожига жуда катта ҳисса қўшдилар.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда кўп миллатли Қорақалпоғистон халқининг, ана шу мўътабар юрт кишиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қатор ижобий натижаларга эришилди. Энг аввало, элда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланди. Ҳамжиҳатлик билан юрт истиқболи йўлида меҳнат қилишга шароит яратилди.

Республикада мулкчиликнинг янги шакллари пайдо бўлмоқда. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасида нодавлат секторнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич 80-90 фоизни ташкил этмоқда.

Қисқа вақт ичида **газ ва газ конденсати ишлаб чиқариш, кабель заводлари, «Элтекс» ва «Катекс» комплекслари, Туямўйин -- Нукус -- Тахтакўпир сув тармоғи** ва бошқа бир қатор иншоотлар ишга туширилди. Мармар, тиббий бинт ва спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш 40 фоиздан 59 фоизга етди. Қишлоқларда бу кўрсаткич икки бараварга оширилиб, қўшимча 300 мингга яқин қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Табиий газ билан таъминлаш эса 83 фоизга етказилди. Қўнғирот автомобиль йўли ҳамда Навоий -- Учқудуқ -- Нукус темир йўлининг қурилиши қўшни давлатларга чиқиш имконини кенгайтиради.

Марказий Осиёда ягона Қўнғирот сода заводи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу корхона ва иншоотлар, шубҳасиз, мамлакатимиз, хусусан, Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин эгаллайди. Заводнинг биринчи навбатида **400 минг тонна** табиий туз, иккинчи навбатида **115 минг тонна** кальций-ли, **50 минг тонна** каустик сода ишлаб чиқарилади. У тўла ишга тушгач, **2500 киши** иш билан таъминланади, **5000 киши** яшайдиган шаҳарча барпо этилади. 2000 йилда тўлиқ ишга тушириш мўлжалланган мазкур заводнинг нархи **600 миллион** Америка долларини ташкил этади.

Республикада ана шундай кенг миқёсдаги ишлар олиб борилмоқда. Бироқ мавжуд имкониятлар, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа омилларни ҳисобга олсак, **амалга оширилаётган ишлар етарли эмаслиги яққол кўзга ташланади.**

Вужудга келган бугунги вазият ҳаммамизнинг чуқурроқ, жиддийроқ ўйлашимизни тақозо этмоқда. Нима учун республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида қабул қилинган ҳукумат қарорлари ўз самарасини бермаяпти? Нима учун халқнинг аҳволи яхшиланмаяпти?

Бу каби қатор саволларни таҳлил этиб, Сиз, халқ депутатлари билан биргаликда жавоб излашимиз лозим.

Ўтган йили асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар 1995 йилдагига нисбатан кескин пасайиб кетди. Жумладан, **миллий даромад 16 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 22 фоизга, аҳоли жон бошига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 6 фоизга камайди.**

1996 йилда мавжуд саноат корхоналарининг 20 фоизи ишлаб чиқариш ҳажмини қарийб 550 миллион сўмга камайтириб юборди. Бундан ташқари, сифати пастлиги, харидорлар талабига жавоб бермагани сабабли, бир миллиард 129 миллион сўмлик маҳсулот омборларда йиғилиб қолган.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда энг охирги ўринни эгаллайди. **Тахтакўпир, Бўзатов, Нукус, Шуманай, Кегайли туманларида аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган маҳсулот 20-30 сўмни ташкил этади, холос.**

«Катекс» ва **«Элтекс»** ҳиссадорлик жамиятларининг янги ишга туширилган қувватларидан 35-40 фоиз фойдаланилмоқда.

Давлатимизда мулк шакли ўзгариб, ҳақиқий мулк эгалари пайдо бўлди. Меҳнаткашлар ҳиссадорлик жамиятларига бирлашиб, қўшимча даромад олмоқдалар. Қорақалпоғистонда эса бу ишлар хўжакўрсинга амалга оширилганлиги сабабли натижа бермаяпти.

Корхоналарнинг номи ўзгаргани билан иш услуби эскилигича қолган. Уларда қимматли қоғозлар чиқарилмаган, ҳиссадорларга сертификатлар берилмаган. **«Хўжайлигўшт», «Кегейлиагрохимсервис», «Нукуснон», «Оролсервис»** ва яна кўпчилик ҳиссадорлик жамиятлари ташкил қилинганидан бери, ўзлари фойда олганига қарамай, ҳиссадорларга дивидендлар тўланмаган.

Устав фондида белгиланган акцияларнинг атиги 6 фоизи сотилган. Ҳиссадорлик жамиятларининг иккинчи эмиссиясини очиш тўғрисида дастурлар ишлаб чиқиш бўйича мутлақо иш қилинмаган.

1996 йилда хусусийлаштирилган объектларда маблағ тушуми бўйича топшириқлар бажарилмаган. Хусусийлашган объектлар ер майдонларини сотиш 42 фоизга, ер участкаларини «Кимошди» савдоси ва танлов орқали сотиш бор-йўғи 6 фоизга бажарилган. **Соҳа раҳбарлари ҳалигача давлат сиёсатининг бу муҳим йўналишини англаб ололмаганлар.**

Қорақалпоғистонда эмиссия, дебитор ва кредитор қарзлари миқдорини камайтириш, бюджетга муддатида тўланмаган қарзларни қисқартириш, нақд пул тушумини таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш йўлларини қидириб топиш ўрнига, **марказдан қўшимча маблағ берилмаётганини баҳона қилиш одат тусига кирган.** Шунга қарамай, мамлакат ҳукумати қорақалпоғистонликларни пенсия ва нафақа билан тўла таъминлаб келмоқда.

Нақд пул назорати, унинг айланиши эътибордан четда турибди. Асосий савдо тармоқларида нақд пул тушуми пастлигича қолмоқда.

(Давоми 2-бетда).

УЧ ТУМАН ЗАФАРИ

ҚУЙИЧИРЧИҚ

Қуйичирчиқ тумани 27 минг 138 тонна юқори сифатли дон топшириб, давлат буюртмасини бажарди. Ҳар гектар ердан 30,3 центнердан ҳосил олинди.

Алишер Навоий номли халқ корпорацияси режани 142 фоиз қилиб уддалаб, ҳар гектар ердан 40,3 центнердан хирмон кўтарди. «Ўзбекистон беш йиллиги» фермерлар уюшмаси режага қўшимча 1000 тонна, «Гулистон» жамоа хўжалиги 1945 тонна, «Тошовул» — 1950 тонна, «Дўстлик» — 1850 тонна, «Пахтачи» — 3070 тонна дон етказиб бериб, туманда энг юқори натижага эришдилар.

— Ўримга пухта тайёргарлик кўрилгани мавсум муваффақиятини белгилади, — дейди туман ҳокими Қамбарали Омонов. — Мавжуд 63 та «Нива» ва «Енисей» ҳамда 9 та «Кейс» комбайнлари бригада усулида ишлади. Оддий комбайннинг ҳар бири билан кунига 6—6,5 гектар, «Кейс» ва «Фергюссон»лар билан 30 гектардан ғалла ўриб-янчиб олинди.

«Ўзбекистон беш йиллиги» фермерлар уюшмасидан Исмоил Пардаев «Енисей» комбайнида 156 гектар ердаги ғаллани саранжомлаб, 553 тонна дон янчиб берди. Бозорбой Қосимов эса «Нива»да 100 гектар ердан 311 тонна ғалла топширди. Тумандаги бошқа хўжаликларда ҳам бундай меҳнат зарбдорлари кўп.

Туманда ғалла ўрим-йиғими жадал давом этяпти. Хўжаликлар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 1600 тонна дон топширишга қарор қилдилар. Ғалладан бўшаган ерлар эса пешма-пеш ҳайдалиб такрорий экинлар экилмоқда.

ЮҚОРИЧИРЧИҚ

Дадил айтиш мумкинки, туманда ғалла ўрим-йиғими муваффақиятини комбайнчиларнинг маҳорати, тажрибаси ҳал этди. Бутун мавсум давомида 49 та оддий ва 3 та «Кейс» комбайнлари ишлади.

Шундай қилиб, туман ҳозирги кунга қадар 19,280 тоннадан ортиқ дон топшириб, давлат буюртмасини ошириб бажарди. Лалми ва суғориладиган ерларни қўшиб ҳисоблаганда ўртача ҳосилдорлик 24 центнерни, суғориладиган майдонларда эса 31 центнерни ташкил этди.

Айрим бригадаларнинг жамоалари хосилдорликни 40—42 центнердан оширдилар.

Хўжаликлар ўртасида эса «Ўзбекистон» ва «Гулистон» жамоа хўжаликлари энг юқори кўрсаткичга эришдилар.

— Хали далаларимизда ўрим-йиғим давом этяпти, — дейди туман деҳқончилик ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Жумадилла Ғофуров. Биз вилоятимиз бўйича ғалла режасининг яқин кунларда бажарилишига баҳоли қудрат хисса қўшиш учун давлат буюртмасига қўшимча яна камида 1000 тонна дон топшириш учун ҳаракат қиламиз.

Ҳозирги кунларда шу мақсадда ишлар қизғин давом этмоқда. Сўнгги гектарлардаги ғаллани ўриб-янчиб олиш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Қўшимча кучлар ишга туширилмоқда.

Юқоричирчиқликларнинг ютуғи ҳақида гапирар эканмиз, мавсум давомида беллашув шартларининг бажарилишини таъминлаш, ғолибларни аниқлашдаги холислик муҳим омил бўлганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ғалла режасининг бажарилиши — қишлоқ хўжалигида ярим йиллик якунида эришилган ютуқ дебочасидир. Бу ютуқни мустаҳкамлаш учун бўшаган ерларни тайёрлаб, тезроқ такрорий экинлар экиб олиш учун курашмоқдалар.

ЎРТАЧИРЧИҚ

Бободеҳқонларда «саксон кун саноқда, тўқсон кун товоқда», деган мақол бор. Буғдой ҳам найчалагандан сўнг саксон кун санаркан, кейин 10—15 кунда ўрилиб-янчилиб хирмонга тушаркан. Ўртачирчиқ тумани ғаллакорларининг ҳам ғалласи 15—20 кун деганда ўроқдан чиқди.

Ҳосилни саранжомлаб олган деҳқон қилган меҳнатининг мевасини кўриб енгил тин олди. Негаки натижа кутилганидан ҳам яхши бўлди. 11 минг 701 гектар ердан 23 минг 586 тонна дон топширилди. Давлат буюртмаси ошириб бажарилди. Бу катта муваффақиятнинг калити биринчидан, уруғнинг сараси экилиб, сифатли парвариш қилинганида бўлса, иккинчидан, ўрим мавсумида техникадан самарали фойдаланилгани бўлди.

«Ровот» фермерлар уюшмасидан Абдукарим Жумабоев, Акмал Икромов номли фермерлар уюшмасидан Икром Мафиқов, Мирза Иброҳимов, «Қорасув»дан Жамол Қурбонов, Азал Раҳимов, Фарид Ғалимовлар мавсум давомида 100—150 гектар ердаги ҳосилни ўриб-янчиб, туманда «Энг яхши комбайнчи» номини олдилар. «Қорасув», «Ҳақиқат», «Қайтмас», «Ўзбекистон», «Роватак», «Янги турмуш» фермер уюшмалари хирмони айниқса боракали бўлди. Бу хўжаликларда режага қўшимча 12—15 фоиз миқдорида ғалла топширилди. Фермерлардан — Акмал Икромов номли хўжаликдан Яҳё Ғайлиев, Ўтанбой Алимов, Баҳодир Оқбоев, «Роватак» хўжалигидан Эсонбой Оқтоев, Низом Убайдуллаевлар ҳосилдорликни гектар бошига 40—43 центнерга етказиб ҳосил олдилар.

Туманда давлатга ғалла топшириш давом этяпти. Хўжаликлар имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, яна 2 минг тонна дон топширишга ва август ойигача ғалладан бўшаган далаларни ҳайдаб, кузги сабзавот экинлари экишга қарор қилдилар.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

«Тошкент ҳақиқати» мухбирлари хабар қиладилар

«МАДАНИЯТ» ГУЗАРЛАРИ

«МАДАНИЯТ» жамоа хўжалигининг Ёнариқ қишлоқ фуқаролар йиғини худудига қарашли «Тараққий», «Ёнариқ», «Қўшилиш» қишлоқларида 3 та гузар ишга тушди.

Ишбилармон тадбиркорлар Садир Каримов, Йўлдош Халилов, Назира Қодирхоновалар ишбоши бўлдилар. Гузарларда гўшт дўкони, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш, радио-телевизор тузатиш устахоналари, новвойхона ва ошхоналар аҳолига хизмат қила бошлади.

Мустақиллик байрами арафасигача Қибрай туманидаги ушбу фуқаролар йиғини худудининг «Қурилиш» ва «Янги ҳаёт» маҳаллаларида ҳам 2 та гузар қурилиб фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Акбар УМИРОВ.

ЧЕХИЯЛИКЛАР ПСКОМ БЎЙИДА

ЖАҲОНГА машҳур «Шкода» чех фирмаси делегацияси яқинда республикамизда бўлган эди. Ўзининг автомобиллари, троллейбус ва трамвайлари билан дунёга танилган бу фирма ишлаб чиқарган транспорт воситаларини эндиликда Тошкент шаҳри кўчаларида ҳам кўплаб учратасиз. Бурноғи йили пойтахтимизга олиб келинган 130 тадан ортиқ чех троллейбуслари шинамлиги билан йўловчиларга маъқул бўлмоқда.

Чех делегацияси ўзининг бу галги сафари чоғида кичик электр станциялари қуриш масаласини ўртага қўйди. Зеро, чех мутахассислари 20-50 мегаватт қувватига эга бўлган мўъжаз корхоналар қуриш бўйича ҳам бой тажрибага эгадирлар. Шу сабабли бундай электрстанциялар лойиҳалари намуналарини Ўзбекистон Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига тақдим этиш истаги маълум қилинди. Бундай кичик нурхоналардан дастлабкисини Тошкент вилоятининг Пском дарёси бўйида қуриш мақсадга мувофиқ деб топилди. Бунинг учун чех лойиҳаси билан бир қаторда фирманинг техник асбоб-ускуналаридан ҳам фойдаланилади.

Акбар АЛИЕВ.

ҲУНАРЛАРИ ЎНДАН ОРТИҚ

ЯККА тартибда меҳнат билан шуғулланиш иштиёқмандлари сони Чирчиқда ҳам кўпайиб бормоқда. Бу ҳаракатни шаҳарнинг мутасадди ташкилотлари, аввало, шаҳар хусусийлаштириш бўлими ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Чунки, меҳнатнинг бу шакли ишсизлар сонини камайтириш билан бирга истеъмол бозорини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдиришга ёрдам беради.

Йил бошидан бери шаҳарда 412 нафар якка тартибда меҳнат қилишга киришган ҳунармандлар рўйхатга олинди. Улар маҳаллаларда, гузарларда, одамлар гавжум бўладиган жойларда савдо, маиший хизмат ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатмоқдалар. Бундай тадбиркорлар сафида заргарлар, нонвойлар, қандолатчилар, сартарошлар, мураккаб рўзғор электр анжомларини таъмирловчилар, қисқаси, ўндан ортиқ ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланувчилар бор.

Собир ҲАМИДОВ.

ЙЎЛЛАР ЁРУҒ БЎЛАДИ

ЧИНОЗ туманидаги Турсунбой Эрназаров номли жамоа хўжалигининг марказий қўрғони кун сайин чирой очиб боряпти. Бу ерда қурилган коттеж услубидаги уй-жойлар мажмуи шаҳар қиёфасини эслатади. Катта Ўзбек йўли ёқасидаги шарқона усулда қурилган савдо ва маиший хизмат корхоналари қишлоқ аҳли ва йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Бу ерда яна бир янгилик амалга оширилмоқда. Вилоят давлат автомобил назорати бўлинмаси туман электр тармоғи билан биргаликда Пахта қўрғонидан Янги Чиноз қўрғонигача бўлган йўлларни ёритиш ишларини бошлаб юборди. Ҳозир икки чеккадаги йўлакларга бетон устунлари ўрнатилмоқда.

Раҳим ҚОДИРОВ.

Воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЯНГИЧА ТАФАККУР — ЗАМОН ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

1996 йил давомида ғайриқонуний ҳаракатлар, камомад ва ўғирликлар оқибатида етказилган зарар миқдори 40 миллион сўмдан ошиб кетди. Бироқ айбдор шахслардан етказилган зарарнинг бор-йўғи 15 фоизи ундирилган, холос.

Нақд пул тушумини таъминлайдиган муҳим соҳаларга етарли эътибор берилмаяпти. Аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси паст. Хизмат маданияти ва турлари талаб даражасида эмас.

Қорақалпоғистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг асосий қисми қишлоқда истиқомат қилади. Шундай экан, аҳолининг тақдири, турмуш даражаси қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг қай йўсинда амалга оширилишига боғлиқ.

Оролбўйи минтақасининг, айниқса, Қорақалпоғистоннинг табиий шароити мураккаб. **Бу ерда сув тақчил, ёз жазирама иссиқ, қиш совуқ келади. Тупроқ ўта шўрланган. Бу ерда деҳқончилик икки-уч баравар кўп меҳнатни талаб этади. Ана шу жиҳатдан қараганда, қорақалпоғистонлик деҳқонларнинг меҳнатини алоҳида тақдирлаш керак.**

Афсуски, бугун Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида инқирозли вазият вужудга келган. Суғориладиган ерлардан фойдаланиш даражаси паст. Ирригация ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик, уруғчиликка аҳамият бермаслик, деҳқончилик соҳасида янги иш услубларини жорий этмаслик натижасида **кейинги уч йил давомида давлатга 116 минг тонна пахта, 282 минг тонна шоли кам сотилган.**

1993 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги 7,4 центнерга, шоли 13 центнерга, картошка, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш 4-5 бараварга камайиб кетган. Кегайли туманида пахта ҳосилдорлиги 8 центнерга ҳам етмаганини қандай баҳолаш мумкин? Бу ҳол давом этса, эртанги кунимиз қандай бўлади? Кўпайиб бораётган аҳолини нима ва ким ҳисобидан боқамиз?

Қорақалпоғистон замини шоликорлик учун қулай ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисини гуруч билан таъминлашда бу ўлка муҳим ўринни эгаллайди. Бироқ ўтган йили давлатга шоли сотиш режаси 57 фоиз бажарилди. Ҳосилдорлик 22 центнерни ташкил этди. Кегайли, Чимбой, Хўжайли ва Қораўзак туманларида эса 15-18 центнерга тўғри келди.

Ўтган йили 58 минг гектар майдонга буғдой ўз вақтида ва сифатли экилмади. Оқибатда мавжуд майдоннинг 40 фоизида ҳосил униб чиқмади. Қолганидан ҳам 5 центнердан ҳосил олинди, холос. Бу йилги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмаслиги аён бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолатлар фақат ишга совуққонлик билан қараш, лоқайдлик, боқимандалик иллатлари туфайли юз бермоқда.

Суғориладиган ерлардан оқилона ва унумли фойдаланиш масаласи ечилмаяпти. Қорақалпоғистонда кейинги уч йил мобайнида ўртача 40-50 минг гектар ер экилмай қолмоқда. Ер майдонларининг 45 фоизи кучли ва ўрта шўрлантириб юборилган. Зовурларни тозалаш икки-уч баравар камайиб кетган.

Ўтган йили бутун Ўзбекистон бўйича шу мақсадларга ажратилган маблағнинг тахминан 30 фоизи Қорақалпоғистонга берилди. Лекин бунинг натижаси қани?

Ер -- элимизнинг асосий бойлиги, иқтисодимиз ўзаги, тирикчилигимиз манбаи! Ерни топташ, тупроқни эъзозламаслик биз, Шарқ халқларининг анъаналарига зид. Нега биз бундай қутлуғ удумларни унутаяпмиз?

Деҳқончиликдаги муваффақият, аввало, уруғ танлашдан бошланади. Афсуски, Қорақалпоғистонда уруғчилик билан шуғулланадиган хўжаликлар бармоқ билан санарли даражада. Ваҳоланки, ҳар бир жойнинг табиий иқлимига, ер шароитига мослаштирилган уруғ заҳирасини тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Нима, Қорақалпоғистон шароитига, иқлимига мос уруғни ҳам бошқа вилоятлар тайёрлаб бериши керакми? Бундай вазиятни қандай изоҳлаш мумкин?

Ташкил қилинган машина-трактор паркларининг фаолияти талабга жавоб бермайди. Улар хўжаликларга хизмат қилаётгани учун, яъни ер ҳайдаб бергани учун 43 фоиз, дон ўриб бергани учун 23 фоиз, бошқача қилиб айтганда, ноқонуний йўл билан қўшимча, устама ҳақ олаётгани аниқланди.

Машина-трактор парклари шу йил май-июль ойларининг ўзида хизмат ҳақини ошириб кўрсатиш ҳисобига, аниқроғи, қип-қизил ғирромлик эвазига 57 миллион сўм ишлаб олган. Беруний, Кегайли, Хўжайли туманларида кенг тарқалган бу иллатни қандай баҳоласа бўлади?

Биринчидан, бу -- шусиз ҳам молиявий ночор аҳволда қолган хўжаликларни талаш, деҳқонларнинг, уларнинг бола-чақасининг ҳақига хиёнат қилиш.

Иккинчидан, бу -- биз амалда татбиқ этаётган янги техника ва технологияларни жорий қилиш сиёсатини обрўсизлантириш, қадрсизлантиришдир.

Деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича Элликқалъа туманида етарли тажриба тўпланди. Туманда деҳқонларга ер, ишлаб чиқариш воситалари ва етиштирилган маҳсулотларга эгалик қилиш имконини бериш мақсадида мавжуд 14 та жамоа хўжаликлари деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилган эди. Деҳқонларга мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан ерлар узоқ муддатга ижарага берилди. Ана шу тажрибани маъқуллаб, Ўзбекистон ҳукумати махсус қарор ҳам қабул қилган эди. Хўжалик юритишнинг бу янги усули вилоятларда яхши натижа берди. Лекин, минг афсуски, Қорақалпоғистоннинг ўзида ана шу тажрибани оммалаштиришга мутлақо эътибор берилмаяпти.

Қорақалпоғистонда чорвачилик салмоқли ўринни эгаллайди. Бироқ бу соҳадаги ислоҳотлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада уч йил ичида қорамоллар ва қўй-эчкилар сони кескин камайиб кетган. Шу сабабли гўшт ва сут етиштириш 40-45 фоизга пасайди.

Хусусийлаштирилган фермер хўжаликлари 1996 йилни 71 миллион сўм зарар билан якунлаган, кредитор қарзлари эса 248 миллион сўмга етган.

Мулк эгалари ўз ҳақ-ҳуқуқларини билмайдилар. Фермер хўжаликларида берилган ердан унумли фойдаланмаслик, ҳисоботларда қўшиб ёзиш, чорва молларини талон-торож қилиш ҳоллари мавжуд.

Республикада 45 минг бош қорамолга мўлжалланган бўрдоқичилик комплекслари бор. Уларнинг бор-йўғи 20 фоизидан фойдаланилаётганини қандай тушуниш мумкин? Катта маблағлар ҳисобига қурилган бу комплекслар ташландиқ ҳолга келиб қолган.

Қани, айтинглар, барака топгурлар! Қишлоқ хўжалиги соҳасида бундай ночор, ачинарли, ҳеч чидаб бўлмайдиган аҳвол биринчи навбатда Қорақалпоғистон раҳбарларини, мутасадди амалдорларни ташвишга солиши керакми, йўқми?

Умуман, Қорақалпоғистон иқтисодиётидаги бугунги аҳвол Вазирлар Кенгаши (раис С. Авезматов), унинг бўлинмалари ва вазирликлари иш фаолияти замон талабидан орқада эканлигини кўрсатади. Раҳбарларда талабчанлик, фидойилик, ташаббускорлик ва тадбиркорлик етишмайди.

Оддий бир ҳақиқат бор -- буни барчамиз чуқур англаб олишимиз даркор: қандай ишласак, шундай яшаймиз. Ҳеч ким четдан келиб, мушкулимизни осон, рўзғоримизни бут қилиб бермайди. Нимагаки эришсак, фақат ўз кучимиз, меҳнатимиз ва салоҳиятимиз билан эришамиз.

Ҳурматли депутатлар!

1997 йилни биз Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилдик. Шу мақсадлар йўлида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин эҳтиёжларни қондириш, аввало, иқтисодиётнинг барқарорлиги ва корхоналарда ишлаётган одамларнинг даромадига боғлиқ. Қорақалпоғистон иқтисодиётидаги қолоқлик сўзсиз аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Гап инсон манфаатлари тўғрисида кетганда, мен Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ экологик вазият тўғрисида гапирмай ўта олмайман. **Шу ўринда биргина Мўйноқ тумани ва унинг атрофидаги ҳудудларда вужудга келган вазият тўғрисида тўхталмоқчиман.**

Кейинги икки йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 70 фоизга, қурилиш кўлами 2 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 3 бараварга камайиб кетган.

Шаҳардаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ачинарли даражада. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби тўла қондирилмаяпти.

Туман марказий шифохонасида врачлар етишмайди, биноси таъмирга муҳтож, дори-дармонлар билан атиги 25 фоиз таъминланмоқда. Бундай шароит, бундай вазият ҳаммамиздан қатъий, ҳеч чўзиб бўлмайдиган чора-тадбирларни қабул қилишни талаб этади. Агар бу ҳудудни сақлаш керак бўлса, уни **ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини** ишлаб чиқишимиз керак. Бу -- бизнинг бурчимиз.

Барчангизга маълум, Марказий Осиё давлатлари иштирокида Орол денгизи ҳавзаси муаммолари бўйича Давлатлараро кенгаш тузилди. Бу Кенгаш халқаро молиявий тузилмалар ҳамкорлигида Оролбўйи аҳолиси саломатлигини ҳимоя қилиш, уни тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва бошқа йўналишлар бўйича муҳим лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

Мамлакат ҳукумати ҳам бу масалаларда Қорақалпоғистон Республикасини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, 1996 йили ушбу мақсадлар учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонга берилаётган молиявий ёрдам миқдори 1994 йилга нисбатан 18 баробар кўпайди.

Сиз, халқ ноибларига маълумот беришим керак. **Бугунги кунда Ўзбекистон марказий бюджетидан Қорақалпоғистонга берилаётган субвенция, яъни молиявий ёрдам миқдори 9 миллиарддан ошиқ сўмни, ёки бутун Қорақалпоғистон бюджети харажатларининг 75 фоизини ташкил этмоқда.**

Республика раҳбарияти ана шу рақамларни жиддий таҳлил қилиши, ўлкани боқимандалик ҳолатидан олиб чиқиш йўлларини ахтариши, топиши зарурми, йўқми?

Ҳурматли депутатлар!

Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий манфаати, маданий ва маънавий, ақлий лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш бугунги куннинг устувор масаласидир.

Афсуски, Қорақалпоғистонда аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлаш, уларга тиббий, маиший, маданий хизмат кўрсатиш кўнгилдагидай эмас. Буни нималарда кўриш мумкин?

Биринчидан: Қорақалпоғистонда тўлиқ имконият бўлгани ҳолда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга камайиб бормоқда. Биргина 1996 йилда четдан 57 миллион АҚШ доллари миқдорида "озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинди.

Савдо тармоқларида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Хусусийлаштирилган савдо дўконларининг 60 фоизи ҳозирги кунда фаолият кўрсатмайди.

Мана шундай мураккаб аҳволда, халқнинг, аҳолининг талаби қондирилмаган бир пайтда, шахсий манфаатни кўзлаб, 1995 йилда 574 тонна, 1996 йилда 777 тонна озиқ-овқат маҳсулотларини Қорақалпоғистон чегарасидан четга олиб чиқиб кетишга ҳаракат қилинган. Ахир бу халқ ризқига хиёнат-ку! Энг ачинарлиси, бундай ноқонуний ҳаракатларга баъзи раҳбарлар ва божхона ходимлари томонидан ҳомийлик қилиш ҳоллари ҳам мавжуд.

Туман ва шаҳар бозорларида деҳқонларга шароит яратилмаган. Шуманай туманида эса умуман бозор йўқ. Аҳоли ўз эҳтиёжини қондириш учун 50--80 километр йўл босиб, Қўнғирот ёки Хўжайли бозорларига боришга мажбур. Қарийб 250 минг аҳоли яшайдиган Нукус шаҳрида атиги битта бозор бўлиб, у ҳам санитария талабларига жавоб бермайди.

Иккинчидан: аҳолининг уй-жойга, ижтимоий, маданий иншоотларга бўлган талабини қондириш аянчли аҳволда. 1996 йилда 1995 йилга нисбатан уй-жой қурилиши ҳажми шаҳарда 50 фоизга, аҳоли маблағлари ҳисобидан қурилиш 3 бараварга камайган. Бу муҳим ишга Амударё, Беруний, Қўнғирот, Мўйноқ ва Бўзатов туманларида эътибор берилмаяпти. Шу кунга қадар якка тартибда уй-жой қуриш учун кредит сўраб берилган 2000 дан ортиқ ариза қондирилмаган.

Жойларда аҳоли учун арзон қурилиш материаллари тайёрлаш ва сотиш етарли даражада ташкил этилмаган.

1996 йил якунлари бўйича Қорақалпоғистонда қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури бажарилмаган. Икки йил давомида биронта болалар боғчаси, 1996 йил давомида эса биронта касалхона қурилмаган. Ваҳоланки, бугунги кунда Қорақалпоғистоннинг ўзида 11 миллиард сўмлик 116 та қурилиши тугалланмаган объект мавжуд.

Учинчидан: Қорақалпоғистонда аҳолини иш билан таъминлаш ҳам муаммога айланган. Қишлоқларда хусусий ва кичик корхоналарни ташкил этиб, янги иш жойлари очишга етарлича аҳамият берилмаган. Ҳозиргача фаолият кўрсатаётган бундай корхоналарнинг бор-йўғи 40 фоизи қишлоқларда жойлашган. Лекин уларнинг сони ҳам йилдан-йилга камайиб бормоқда. Агар 1993 йилда қишлоқларда 416 та кичик цех ташкил этилган бўлса, 1994 йилда уларнинг сони 32 фоизга камайган. Меҳнат биржасидан рўйхатдан ўтган ишсизлар сони 9 мингдан ошиб кетган.

Уларнинг тақдири билан ким шуғулланиши керак? Ҳар бирининг орқасида оиласи, бола-чақаси, уларнинг таъминоти бор-ку! Вазирлар Кенгаши бу муҳим масалага қачон жиддийроқ қарайди?

Тўртинчидан: соғлиқни мустаҳкамлаш, таълим-тарбия, тиббий ва маданий-маърифий ишлар инсон манфаатини таъминловчи асосий йўналишлардан биридир.

Қорақалпоғистонга 1991 йилдан бери халқаро жамғармалар томонидан келаётган инсонпарварлик ёрдамининг на учини, на охирини топиб бўлади. Аҳоли орасида эса, келган дори-дармонларнинг, тиббиёт анжомларининг нотўғри тақсимланаётгани, муҳтож аҳолига етиб бормаётгани норозиликларга сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолга чек қўйиш керак. Айниқса, ЭКОСАН жамғармаси раҳбарияти ана шундай ҳақли эътирозлардан тегишли хулоса чиқариб олмоғи лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Юксак маърифатли, ҳар томонлама салоҳиятли авлодни тарбиялашдек муқаддас вазифа олдимизда турибди.

Баркамол инсонни вояга етказиш учун, энг аввало, оила, маҳалла, мактаб, буткул жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш лозим.

Бизнинг фарзандларимиз ниҳоятда истеъдодли, ақлу заковат бобида ҳеч кимдан қолишмайди. Уларнинг иқтидорини қадрлаш, имкониятларини юзага чиқариш, Ватаннинг мард ва фидойи фарзандлари этиб тарбиялаш учун шарт-шароит яратиб бериш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Мактаблар, умуман, халқ таълими соҳасида олиб борилаётган ишлар кўнгилдагидек эмас. Қорақалпоғистон замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган иккита нашриётга эга бўлишига қарамай, 500 минг нусхадан зиёд дарслик етишмаслигига нима дейиш мумкин?

Ҳозир таълим-тарбия бўйича Ўзбекистон Миллий дастури тайёрланмоқда. Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси мазкур масалага дахлдор бўлган янги қонун лойиҳасини кўриб чиқмоқчи. Бу давлатимизнинг мамлакатнинг ХХ1 асрдаги тараққиётини белгилайдиган сиёсий стратегиясидир.

Шу жумладан, Қорақалпоғистонда ҳам ана шундай узоқ муддатли, республика келажагига кафолат берадиган дастурлар ишлаб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Ёш авлодни соғ ва комил этиб тарбиялашда спортнинг роли катта. Қорақалпоғистон шаҳар ва туман марказларида бор-йўғи 5 та стадион мавжуд. Кўпгина спорт майдонлари қаровсиз аҳволда. 55 фоиз мактабларда спорт заллари, 25 фоизида ҳатто спорт майдончалари ҳам йўқ. Мактабларнинг ўзида 1200 дан ортиқ жисмоний тарбия ўқитувчиси етишмайди.

Бутун мамлакатда спорт оммавий тус олган бир пайтда Қорақалпоғистон футбол бўйича олий лигада қатнашмаётганини қандай баҳолаш керак?

Республика радио ва телевидениеси, газета ва журналларида бугунги кунимизга мос эшиттиришлар, саҳифалар ташкил этилмаган. Телевидение ва радионинг техник жиҳозланиши етмишинчи йиллар даражасида қолиб кетган.

Энди инсоннинг ҳуқуқий муҳофазаси масаласига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Қонунчилик, ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш давлат аҳамиятига молик сиёсатдир. Бу соҳада ҳам қатор жиддий нуқсонлар мавжуд.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида сансалорлик, тергов муддатларининг бузилиши ҳолатлари мавжуд. 1996 йилда 77 та жиноий иш бўйича тергов муддатлари бузилган, 69 жиноий иш қайта терговга юборилган. Ички ишлар бўлимлари томонидан 48 та жиноят ҳисобдан яширилган.

Судьяларнинг касб малакалари етарли эмаслиги оқибатида аксарият ҳолларда қонунга хилоф қарорлар қабул қилинган. 1996 йилда кассация ва назорат тартибида судланганларнинг салкам 12 фоизига нисбатан суд ҳукмлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Судлар томонидан терговга қайтарилган ҳар иккитадан битта жиноят иши бўйича суд ажримлари кассация босқичида бекор қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий судида судлар томонидан йўл қўйилган хатоликлар кассация босқичида аниқланмаганлиги ва тузатилмаганлиги сабабли, кўплаб қонунсиз ҳукмлар кучга кириб кетган. Бир вақтнинг ўзида Олий суднинг ўзи томонидан чиқарилган ҳукмларнинг қарийб 20 фоизи бекор қилинган ёки ўзгартирилган.

Азиз дўстлар!

Биз Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ишини, демократик жамият қуриш ва эркин бозор муносабатларини татбиқ этиш йўлида қабул қилинган қонун ва қарорларни юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг сафингизда турмушнинг аччиқ-чучугини кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган нуронийларимиз, фан, маданият ва маърифат соҳасининг атоқли намояндалари борлигидан фахрланамиз.

Бугун Қорақалпоғистон ўлкасида юзага келган ижтимоий-иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиб олиш вазифаси кўп жиҳатдан сизларга боғлиқ. Бунда қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ҳаётга тўла татбиқ қилиниши, уларнинг ижро интизомига риоя этилиши муҳим аҳамият касб этади. Таҳлиллар бу борада бир қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда.

Таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, Жўқорғи Кенгес ва Вазирлар Кенгаши фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳоллари учрайди. Амалий фаолиятда қонунчилик ишларига халақит бераётган расмиятчилик, ҳужжатбозлик, бўлар-бўлмас маълумотлар, ҳисоботлар тўплаш каби нуқсонлар мавжудлиги сезилмоқда.

Бундай ҳолатлар кўпинча кадрлар тайинлаш масалаларида кўринмоқда. Мисол учун, белгиланган «тартиб»га асосан, биргина хўжалик раҳбари ишга тайинланишидан аввал, номзод ўзидан юқори турган катта-кичик 34 раҳбарнинг суҳбатидан ўтиши керак. Расмиятчилик бундан ортиқ бўлиши мумкинми?! Бу иллатлардан қачон қутуламиз?

Жамоа хўжалиги раисларини тумандаги мутасадди раҳбарлар тавсия этиб, ҳукумат раҳбарлари танлагани ва тайинлагани маъқул эмасми?

Жўқорғи Кенгес Раиси қошида тузилган Маслаҳат кенгаши фаолиятини ҳам қайта кўриб чиқиш лозимлигини тавсия этмоқчиман. У олдинги советлар давридаги «Олий Совет Президиуми» фаолиятини бажаришга ўтиб олган.

Жўқорғи Кенгес қўмиталари фаолияти ҳам такомиллаштиришни талаб этади. Уларда муҳокама қилинаётган масалаларнинг 60 фоизи хўжалик ишларига боғлиқ муаммолардир. Бундай иш фаолияти билан қонунчилик ва унинг ижросини таъминлаб бўлмайди.

Тартиб ўрнатмоқчи бўлсак, ҳар бир бошқарув тизими, ҳар бир раҳбар орган, аввало, ўз тасарруфида белгиланган, топширилган ишлар билан шуғулланишини таъминлаш зарур.

Лўнда қилиб айтганда:

биринчидан, ижро ҳокимияти масъулиятини, жавобгарлигини ошириш лозим;

иккинчидан, шу билан бирга, унинг эркинлигини ҳам таъминлаш керак.

Биз танлаган йўл -- ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўли. Биз танлаган йўл -- фуқаролик жамиятини шакллантириш йўли. Шунинг учун ҳокимиятнинг тармоқланиши масаласида энг демократик тамойилларни амалда жорий қилишимиз даркор.

Қонунчилик ҳокимияти -- Жўқорғи Кенгес бир томонда, ижро ҳокимияти -- Вазирлар Кенгаши иккинчи томонда, суд ҳокимияти бошқа бир томонда. Биз ана шу уч ҳокимиятнинг алоҳида-алоҳида дахлсизлигини, мустақиллигини йўлга қўймас эканмиз, улар ўртасидаги демократик муносабатлар принципларини тикламас эканмиз, жамиятда мутаносибликни, бошқарувда ҳамжиҳатликни йўлга қўя олмаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

Ислоҳотларнинг муваффақияти кадрлар малакасига, уларнинг ташкилотчилик қобилиятига, янгича фикрлашига боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Раҳбарликнинг барча бўғинларига инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, халқпарвар инсонлар бошчилик қилмаса, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан бугун ватанпарвар, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган, ўз эл-юртига хизмат қиладиган инсонларни, биринчи навбатда ёшларни ёнимизга олиб, тарбиялаб, ҳеч иккиланмай раҳбарлик лавозимларига қўйишимиз керак.

Афсуски, Қорақалпоғистонда бу муҳим ишга, вазифага жиддий қаралмаяпти. Ҳамон эскича ишлайдиган, замон талабларига етарли жавоб бера олмайдиган кадрлардан воз кечилмаган.

Айрим раҳбарлар орасида боқимандалик кайфияти шунчалик ривожланганки, уларнинг назарида ҳамма нарса давлат ҳисобидан бўлиши керак. Бундай эскилик асоратларидан қутулиш лозим.

Халқнинг дардига қулоқ солмайдиган, унинг оғирини енгил қила олмаган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган бепарво раҳбарлардан воз кечиш керак.

Кадрларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш ишларида кўпинча юзаки қараш, шошма-шошарлик ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Кегайли, Қораўзак, Чимбой туманларида кейинги икки йил ичида, Шуманай туманида 1996 йилнинг ўзида 100 фоиз хўжалик раҳбари алмаштирилган. Афсуски, бундан кўзланган мақсадга эришилмаган.

Кадрларни танлаш ва тайинлашда ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, уруғчилик иллатлари ҳам йўқ эмас. Мен бу масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик -- миллат кушандаси! Яъни миллатни портлатиб юборадиган балодир. Биз қанчалик уруғ талашсак, алоҳида-алоҳида қабилалар атрофида ўралашиб қолсак, шунчалик майдалашамиз, тор уруғ-аймоқчилик доирасида қолиб кетамиз. **Замон оламга кенгроқ қарашни, катта масалалар билан шуғулланишни, йирик муаммолар хусусида ўйлаб, кенгроқ фикрлашни тақозо этади. Ана шундан келиб чиқиб, дунёга кенгроқ қарайлик. Миллий бирлик, миллий яхлитлик, миллий бир бутунлик -- миллий равнақ асосидир.**

Албатта, биз ҳар биримиз миллатпарвар бўлишимиз, ўз миллатимиз ўтмишини, унинг келиб чиқиш тарихини ўрганмоғимиз керак. Ким қандай уруғ ва аймоқлар зотидан чиққанини билишнинг зарари йўқдир, лекин, **авваламбор, умуммиллат манфаати, унинг обрўси, қиёфаси ва келажаги учун бирлашиб интилишимиз керак.**

Бугун бошқарув тизимига миллати, элати, уруғидан қатъий назар, эл ишончига сазовор бўлган, масъулиятни ҳис қила оладиган, халқни ўзига эргаштира биладиган раҳбарлар кириб келмоғи зарур.

Бунинг учун ҳар бир раҳбар ўз ўрнига давр талаби даражасидаги кадрларни тайёрлаши керак. Атрофига қобилиятли, билимли, ҳар томонлама етук мутахассисларни тўплаб, уларни тарбиялаши лозим.

Қорақалпоғистонда иқтидорли, ташкилотчи ёш кадрлар кўп. Улар нималарга қодир эканликларини кўрсатиб келишмоқда. Биз ёшларга ишонамиз.

Биз янгича ишлайдиган, янгиликнинг моҳиятини тушунадиган, ташаббус кўрсатиб ишлайдиган, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган ёшларни қўллаб-қувватлаймиз. Уларга иқтидори ва билимига қараб, масъулиятли вазифаларни топшираверамиз. Зотан, янгилик бор жойда ўзгариш бўлади, яратиш, бунёд қилиш имконияти туғилади.

Муҳтарам дўстлар!

Азиз ватандошлар!

Қорақалпоғистон худди ана шу жиҳатдан қараганда, жуда катта имкониятларга эга бўлган ўлка. Энг муҳими, унинг меҳнатсевар, қийинчиликларни мардонавор енгадиган иродали халқи бор. Бундай халқ билан ҳар қандай муаммони ҳал этиш мумкин. Бунинг учун раҳбарият, маҳаллий ҳокимият органлари замон талабларига мос равишда иш тутишлари, **одамларни ўзларига эргаштира олишлари лозим.** Ўйлайманки, бу борада янги қадамлар қўйилади.

Мен қорақалпоқ халқини яхши биламан ва унинг инсоний фазилатларини юксак қадрлайман. Ана шу фазилат Қорақалпоғистон ҳаётида кескин ўзгариш ясашига қатъий ишонаман.

Бугун шу минбардан туриб, сиз, азиз дўстларимга, сиз орқали бутун Қорақалпоғистон аҳлига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизга омад тилайман.

Эртага — металлурглар куни

ҲАР БИРИНИНГ ЎЗ УЛУШИ БОР

ЭРТАГА касб байрамларидан бири — Металлурглар куни нишонланади. Вилоятимиз саноатининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган бу соҳа меҳнаткашлари мамлакатимиз мустақиллигининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Бекобод металлургия ҳиссадорлик жамияти, Чирчиқдаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати металл саноатининг йирик корхоналаридир. Уларнинг республикамиз иқтисодиётидаги мавқеи жуда салмоқли.

Вилоятимиз металлурглари ўзларининг касб байрамларини муносиб кутиб олмоқдалар. Тармоқ мажмуасида шу йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1472 миллион сўмлик кўпайди. Ўсиш суръатлари 104,7 фоизни ташкил этди.

Ангрен олтин саралаш корхонаси жамоаси ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасил ошириб бормоқда. Корхонага қарашли фабрика ва Кўчбулоқ, Қизилолма кон ҳудудларида касб байрами шарафига бағишланган меҳнат кўтаринкилиги яхши самаралар берди. Олтин саралаш бўйича ярим йиллик режа барвақт уддаланди. Қўшимча сараланган олтин қайта ишлаш корхоналарига юборилди.

Жамоанинг меҳнат ютуқларида бош механик С.Швачкин, электрчилар бригадаси бошлиғи Н.Дмитриев, навбатчи уста Р.Мирзаев, тегирмон машинисти М.Султоновлар ва бошқа ишлаб чиқариш илғорларининг муносиб ҳиссалари бор.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● ШУ ҲАФТА ичида Франция ўзининг миллий байрамини катта тантаналар билан нишонланди. Баайни 14 июль куни — 205 йил муқаддам инқилобчилар мустабидлик истеҳкоми бўлмиш Бастилияни ишғол қилган эдилар.

● КУНИ кеча Қозоғистон пойтахти Алматидаги ҳукумат уйи қаршисида кўплаб пенсионерлар тўпландилар. Улар яқинда амалга ошириладиган пенсия ислоҳотидан норози эканликларини изҳор қилдилар. Янги қонун бўйича эркаклар — 63 ёшдан, аёллар — 58 ёшдан нафақага чиқадиган бўлмоқдалар.

● КАМБОДЖАДАГИ тўс-тўполонлар ҳамон тинчимаётир. Бир неча кун муқаддам иккинчи бош вазир, халқ демократик партияси раҳбари Хун Сен ўзининг ҳамкасби биринчи бош вазир, шаҳзода Нородом Ранарит билан музокаралар ўтказиш ниятида эмаслигини маълум қилган эди. Куни кеча эса Пномпендан олинган хабарларга қараганда, Хун Сен тарафдорлари бутун мамлакатни ўз кўл остига олганлар.

● БУЮК БРИТАНИЯ қироличаси Елизавета II ва валиаҳд Филипп Эденбургскийлар катта оилавий тантанани нишонладилар. Уларнинг биргаликда турмуш қурганларига 50 йил тўлди.

БУҒЛИ ҲАММОМ, БАЛИҚ ОВИ... СЎНГРА СИЁСАТ

МАЪЛУМКИ, шу кунларда Россия Федерацияси президенти Борис Ельцин ўзининг ёзги таътилининг дастлабки кунларини Карелиянинг Петрозаводск шаҳри яқинидаги Шуйская Чупа деган ҳудудда жойлашган қароргоҳида ўтказмоқда. Матбуот вакилларининг ёзишича, унинг кейинги кунлардаги фаолияти жуда фаоллашиб кетди. Ҳафта бошида Шуйская Чупага Финляндия президенти Мартти Аҳтисаари расмий ташриф билан келди. Икки президент учрашувнинг дастлабки онлариданоқ ўзларини эркин сездилар. Буғли ҳаммомга тушдилар, дарё соҳилида балиқ овладилар... сўнгра сиёсат масалалари билан шуғулландилар. Мулоқот чоғида Оврупо қитъасидаги хавфсизлик ечимлари, НАТОнинг Шарқ томон кенгайиши, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик сингари муаммолар тилга олинди. Жами 30 га яқин ҳужжат устида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўртада бўлиб ўтган кўнгилли учрашувлар бир кундан сўнг хира тортди. Гап шундаки, М. Ахтисаари ўз ватанига қайтиб боргач, Турку аэропортидан чиқаверишда рафиқаси билан автомашина ҳалокатига учради. Омади чопиб, Финляндия президенти унчалик қаттиқ захмат чекмади.

ҚУЧОҚҚА ЗОР ҚОЧОҚЛАР

МАНА, бир неча йилдирки, Тожикистонда мухолиф томонлар ўртасидаги келишмовчиликлар барҳам топмаётир. Икки томон тарафдорларининг қуролли тўқнашувлари натижасида қанча-қанча бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриди. Қочоқлар сони кўпайиб, улар қўшни мамлакатлардан паноҳ топдилар.

Тожикистон ҳукумати билан мухолифатчилар раҳбарияти ўртасида бўлган охирги музокаралардан сўнг қочоқларнинг ўз ватанларига қайтиб келиши аниқ бўлиб қолди.

17 июль куни БМТ махсус ваколатхонаси раҳбарлигида қочоқларнинг навбатдаги гуруҳи Афғонистондан Тожикистонга ўтадиган бўлди. Бу маросим қалтис бўлганлиги боис барча муҳофаза воситалари, жумладан, Россиянинг вертолетлар эскадрильяси тайёр ҳолатга келтирилди. Асосий кечув — Панж дарёси соҳилларига ҳам қочоқлар хавфсизлигини таъминлайдиган кишилар қўйилди.

Авваллари 22 минг киши ўз ватанларига қайтган бўлса, эндиликда улар сонининг янада кўпайиши кутилмоқда. Айни пайтда Афғонистонда 32 минг тожикистонлик қочоқ бор.



ШАРҚ — МАФТУНКОР ҚИТЪА

Шарқ меъморчилиги услубиёти, халқ ҳунармандчилигининг ноёб шакллари ҳамон бутун жаҳондан келган сайёҳларни мафтун этиб келмоқда

Суратда: ***ана шундай обидалардан бирини кўриб турибсиз.***

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ОЛМОНИЯНИНГ Майнц шаҳридаги кардиология ва қон-томирлар тадқиқоти институтининг директори Густав Бельц сўнгги йилларда олиб борилган тадқиқотларидан сўнг ажойиб хулосага келди. Унинг айтишига қараганда, бир кеча-кундуздаги 30 дақиқалик кулгу инсонни жуда кўп хасталиклардан ҳалос этар экан. Боз устига таом билан бироз саримсоқ тановул қилиб туриш керак. У қон қуйилишининг олдини олади, томирларни мустаҳкамлайди, атеросклерозга йўлиқишни секинлаштиради.

● ТУРКИЯНИНГ Ризо шаҳрида узун бурунлиларнинг кўрик-беллашуви бўлиб ўтди. Уни маҳаллий телекомпания «Чай-ТВ» ташкил этди. Мазкур халқаро кўрикда Туркия, Озарбайжон, Грузия ва Украинадан 50 киши қатнашди. 51 яшар турк Мехмет Ўзюрак 8,5 см. бурни билан биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин унинг юртдоши Энгин Узунга насиб этди. Учинчи ўрин тбилисилик Мераби Абулачидзега тегди.

● РИГА шаҳрининг гавжум бозорларидан бирида 2500 долларга янги «Жигули», 1800 долларга «Ауди-100», 3 минг долларга «Мерседес» машиналари сотилди. Бироқ, машина сотганларнинг қувончи узоққа бормади. Долларларнинг ҳаммаси сохта эканлиги маълум бўлди. Пойтахт ҳуқуқни ҳимоя қилиш маҳкамалари хизматчилари фирибгарларнинг изига тушдилар.

ЎТТИЗ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ДАФН

ЭРНЕСТО Че Гевара!.. Сўнгги ярим аср мобайнида бу исм жуда машҳур бўлди. Куба инқилоби раҳнамоларидан бири, афсонавий қаҳрамон, Фидел Кастронинг сафдоши Че Гевара Кубада ўз маслакдошлари билан биргаликда ниятларини амалга оширганидан сўнг Жанубий Америка қитъасига инқилобий ғояларни ёйиш умиди билан яшади. Шу боис у 1967 йилда Боливияга йўл олди. У ерда бир гуруҳ инқилобчилар билан биргаликда жанговар кураш бошлаб юборди.

Асли аргентиналик бўлган Че Геваранинг омади юришмади. Боливия халқи у талаб қилган қурбонларга тайёр эмас эди. Президент Рене Барриентоснинг ҳарбий қисмлари, қандай бўлмасин, Че Гевара гуруҳини тормор этиш режасини амалга ошира бошлайди. Улар мақсадга эришадилар. Тоғли ҳудудда улар қўлга тушиб, ҳибсга олинадилар. Валье-Гранде деган қўрғонда ажал етади. Че Гевара олти нафар сафдоши билан шафқатсизларча отиб ташланади.

Че Гевара ҳалок бўлган ер — у дафн этилган жой 30 йилдан бери махфий сақланиб келинди. Лекин, кейинги кунларда олиб борилган қидирув ишлари ижобий натижа берди. Че Гевара ва унинг дўстлари кўмилган жой аниқланди ва мурдалар кавлаб олинди. Антрополог тиббиётчи Хорхе Гонсалес текширувлар натижасида Ч. Гевара скелетини тиклади. Барча ишлар Санта-Круссдаги ҳарбий госпиталда олиб борилди.

Ҳафта бошида Ч. Гевара ва унинг сафдошлари жасадлари қолдиқлари Кубага олиб келинди. Уни Фидел Кастро кўз ёшлари билан кутиб олди... Эрнесто Че Гевара ва бошқа инқилобчилар хок-пойлари Санта-Клара шаҳрида бунёд этилаётган мавзолейга қўйилади.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 21

I

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!
Профилактика муносабати билан 21 июль душанба куни ЎзТВ-I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ-III канали орқали намойиш этилади.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғаройиб саёҳат», «Ҳурматталаб алвасти». Мультфильмлар.
18.30 «Қуёши кулган боғ».
18.50 «Қизилқумцемент» ҳақида қисса». Телеочерк.
19.05 Мавлуда Ойнақулова куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот». (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Умрбоқий тароналар».
21.35 Тўфон Минуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
23.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан. «Виждон». Телесериал. 13-серия.
23.55 Эълонлар.
24.00 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Сув ости дунёси».
19.20 «Спорт қитъаси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.05 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.55—00.05 Кундалик.

III

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Куйла, дуторим». Фильм-концерт.
8.55 «Бир ўлка-ки...»
9.20 «Пардали гап».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Тўлқин. «Қайнар ҳумча». Йўлдош Охунбобоев номидаги республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
11.00 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
11.25 Ўзбекистон телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
12.00 Болалар учун фильм. «Қизалоқ, фильмда ўйнашни хоҳлайсанми?»
13.20 Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.20 — 20.30

*

20.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.05 «Тошкент фавворалари». Манзарали фильм.
22.15 «Уч қалб эгаси». Бадиий фильм, 5-серия.
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Дидар».
20.05 «Жаҳон»
20.25 «Сўз — сизга».
20.40 «Авторейд».
20.50 «Фариштам».
21.15 «Ракурс».
21.45 «Гўзаллик ва мангулик ҳақида».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Спорт-тайм».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

СЕШАНБА, 22

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Умрбоқий тароналар».
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Беллашув».
9.15 «Виждон». Телесериал. 13-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Нуроний». Тележурнал.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97» Адабиёт.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Болалар учун «Оромгоҳлар қўйнида».
11.55 «Сиз сўраган эдингиз?» Телетомошабинлар мактубларига шарҳ.
12.25 Тўфон Минуллин. «Алла». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.25 «Ёз ҳикоялари». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Жонсарак». Мультфильм.
18.20 «Табиат алифбоси».
18.35 Эстрада концерти.
19.00 «Менда фикр бор». Тадбиркорлар телевизион клуби.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шеър ва шуур». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари». «Тўртинчи ҳокимият».
21.20 «Катта ашула». 1-кўрсатув.
22.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» (Фарғона) — «Навбаҳор» (Наманган). Ёзиб олинган.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Япония ҳақида ҳикоялар».
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Палитра».
18.50 «Дойче Велле» тақдим этади...»
19.10 «Олтин кент».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.05 Кинонигоҳ.
22.50 Кундалик...
22.55 «Акс»
23.15 «Спорт қитъаси»
23.45 «Ишбилармонлар ҳафтаси».
24.00—00.10 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 20.30

*

20.30 «Сумалак» болалар фольклор ансамблининг концерти.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35

*

21.35 Эълонлар.
21.40 «Товус малика». Бадиий фильм (Хитой).
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 Курсатувлар тартиби.
18.50 «Мульткарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш дастури.
20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
20.30 «Уйингоҳ».
20.45 «Очиқ дарс».
21.15 «Америкага назар».
21.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
23.05 «Почта бугун ва эртага».
23.25 — 23.35 «Хайрли тун!»

ЧОРШАНБА, 23

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 «Катта ашула» 1-кўрсатув.
9.05 «Япония ҳақида ҳикоялар».
9.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Усуллар парвози».
9.45 «Кетмас давлат берсин». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ислоҳот ва масъулият».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Математика.
11.00 Янги алифбони ўрганамиз.
11.30 «Камолот сари». Информатика электрон ҳисоблаш техникаси коллежи фаолиятидан.
11.50 «Бир том остида». Мультфильм.
12.05 «Истак бору, имкониятчи?»
12.20 Ҳ. Ҳ. Ниёзий. «Тошкентга саёҳат». Фарғона вилоят театрининг спектакли.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.20 «Шайтонвачча». Фильм-эртак.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кучукча ва эски шиппак». Мультфильм.
18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...»
18.25 «Чемпион сафардан қайтди». Дилшод Мухторов.
18.45 Фольклор-этнографик ансамбларининг «Зилол» телефестивали.
19.05 Сиёсий партиялар ва ҳаракатлар: «Маслак ва мақсад».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Тафаккур ёлқинлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Салима Хўжаева.
21.40 «Қонун ва биз». Ҳуқуқий-оммабоп кўрсатув.
22.15 Бухоро—2500. «Бухорои Шариф».
22.40 «Виждон». Телесериал. 14-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкент. Эски шаҳар».
00.05—00.20 Ватан тимсоллари.

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ерилтош». Мульттўплам.
18.35 «Мусиқий шарҳ».
18.50 «Ҳуқуқ ва мажбурият».
18.55 «Услуб».
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Фолти минораси» меҳмонхонаси». Телесериал.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Кўнгил кўнгилга пайванд».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.10 Кундалик.
23.15 «Спорт қитъаси».
23.30—00.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III

17.10 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.15 — 20.30

*

20.30 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт дастури.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.35

*

21.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
22.30 Эълонлар.
22.35 «Учрашув». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Бизнен мирас».

20.00 «Спорт-лото».
20.10 «Автосалтанат».
20.20 «Ташрифлар ва таклифлар».
20.50 «Дунё ва болалар».
21.15 «Бу ажиб дунё».
21.35 «Нафосат гулшани».
22.05 Эълонлар.
22.10 «Кинематограф». «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 — 23.10 «Хайрли тун!»

ПАЙШАНБА, 24

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Салима Хўжаева.
8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
9.15 «Виждон». Телесериал. 14-серия.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зебо, Зиёда ўйнар».
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Физика.
11.00 «Алифбо сабоқлари».
11.30 «Қизиқарли учрашувлар». Анвар Обиджон.
12.00 «Талаб ва таклиф».
12.20 «Тирранча». Бадиий фильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.55 «Мерос». Замахшарий. Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
18.25 «Оламни асранг».
18.50 «Шарқ тароналари».
19.05 «Ранглар жилоси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Парламент соати».
21.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.
21.50 «Диёнат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
22.10 «Вазият». Публицистик кўрсатув.
22.25 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.
22.55 «Ватанни севмоқ иймондандур...»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Олам ва одам».
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

9.00 «Мультипанорама».
9.20 «Синфдош».
9.45 «Мусиқа салтанати».
10.10 «Жараён».
10.20 «Даллас». Телесериал.
11.10 «Тақвим».
11.25—13.00 «Видео-О».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Даракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Кўзмунчоқ».
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Бир жуфт қўшиқ».
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.10 «Сир».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дубляж».
20.10 «Мутойиба».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иймон».
21.25 Мумтоз наволар. «Муножот».
21.50 Эълонлар.
22.00 «Кино жавонидан».
23.30 — 23.40 Даракчи.

III

17.10 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.15 — 20.30

*

20.30 «Туғилган кун», «Сахий эртак». Мультфильмлар.

*

Россия давлат телевидениеси.
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Пеликан ўлими». Бадиий фильм.
23.10 — 23.30 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «02 тўлқинида».
20.10 Эълонлар.
20.15 «Эльдорадо». Телесериал.
20.45 «Каталог».
20.55 «Голливуднинг ажабтовур ўйинлари». Сериал.
21.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.55 «Компьютер-ревю».
22.10 «Интерспорт».
22.20 «Эллада».
22.50 «Айчурек».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!»

ЖУМА, 25

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Қўшиқ байрами.
8.50 «Юзма-юз».
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нишона».
9.20 ЎзТВ хазинасидан. Тавфиқ ал-Ҳаким. «Изҳор» Теленовелла.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Ботма, қуёш». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 «Абитуриент—97». Кимё.
11.05 «Ассалом, япон тили!».
11.45 «Уч бақалоқ». Бадиий фильм.
13.10 «Санъат усталарининг концерти».
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.35 Ўсмирлар учун. «Оқ йўл!».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фарзанд — умид юлдузи».
18.35 «Ғазалхон ёшлигим».
19.00 «Қалб гавҳари». Адабий-маърифий кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ой элнинг олтини».
20.10 «Оқшом эртаклари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
21.25 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги Республика ёш хонандалари I кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
22.00 Хива—2500. «Меҳр макони».
22.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Юртим мўъжизалари». I-кўрсатув.
22.40 «Виждон». Телесериал. 15-серия.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Муҳаббат ва эрк». Киноконцерт.
00.10—00.15 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Кўзмунчоқ».
9.15 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Бир жуфт қўшиқ».
9.40 «Билиб қўйган яхши».
9.50 «Сир».
10.05 «Дубляж».
10.20 «Мутойиба».
10.35 «Иймон».
11.00 Мумтоз наволар. «Муножот».
11.20—13.00 «Кино жавонидан».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Даракчи.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Бор экан-да, йўқ экан...»
18.35 «XXI аср авлодлари».
18.55 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
19.05 «Пойтахтдан узоқроқда».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.05 «Эгиз қўшиқлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ривоят».
21.10 «Хуш келибсиз».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Кинонигоҳ».
23.15 «7 дан 70 гача».
23.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
6.30 — 8.00

* * *

17.20 — 21.30

*

21.30 «Мусиқа ҳамма учун».

*

Россия давлат телевидениеси.
22.00 — 22.30

*

22.30 Эълонлар.
22.35 «Канизак Изаура». Телесериал.
23.05 — 23.25 «Ахборот» (рус тилида)

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.30 «Умид чечаклари».
19.50 «Бу бўстон аро».
20.20 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Эльдорадо». Телесериал.
21.25 «Йўлингиз бехатар бўлсин».
21.50 «Латофат».
22.20 «Палитра».
22.35 «Шаҳрим — фахрим».
23.00 «Жума куни, ишдан сўнг».
23.30 Араб эстрадаси.
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!»

ШАНБА, 26

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Ўзбекистон халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов номидаги Республика ёш хонандалари I кўрик-танлови ғолибларининг концерти.
9.15 «Виждон». Телесериал. 15-серия.
10.00 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
10.40 «Ҳаёт сабоқлари». Маърифий кўрсатув.
11.15 «Келин». Бадиий фильм.
12.30 «Мулкдор». Бўзлик Набижон Асқаровнинг ғаройиб ишлари ҳаёти ҳақида телеочерк.
12.30 «Клин». Бадиий фильм.
12.55 «Маънавият». Тележурнал.
13.55—15.40 ЎзТВ хазинасидан. «Гул ва Наврўз». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сеними, шошмай тур!». Мультфильм.
18.10 «Шу Ватанга бордир менинг керагим...»
18.35 «Йигит омон бўлса».
18.55 Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига номзодлар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида).
20.15 «Жаҳон спорти янгиликлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистоннинг янги тарихи.
21.30 «Азиз сиймолар». Ўзбекистон халқ артисти Воҳид Қодиров.
22.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». «Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
23.05 «Жаҳон киноси юлдузлари».
23.25 Туркон Шаройи. «Маҳбус» фильмида.

II

9.00 «Бор экан-да, йўқ экан...».
9.15 «XXI аср авлодлари».
9.35 «Ҳар лаҳзада қўшиқ».
9.45 «Пойтахтдан узоқроқда».
10.05 «Эгиз қўшиқлар».
10.25 «Ривоят».
10.35 «Хуш келибсиз».
10.55 «Кинонигоҳ».
12.25—12.45 «7 дан 70 гача».

***

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Боланинг тили».
18.35 «2000 йилдан сўнг». Телесериал.
18.50 «Қонун ҳимоясида».
19.00 «Дилором наволар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Бизнес-академия».
20.10 «Дармон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ханда дўкони».
21.20 «Глобус». Телеальманах.
21.40 «Даллас». Телесериал.
22.30 «Интер-футбол».
22.45 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.50 «Видео-О». Саргузаштлар экрани.
00.25 — 00.35 «Даракчи».

III

18.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
18.05 — 20.30

*

20.30 Эълонлар.
20.35 «Ҳурматли одам». Детектив сериали (Италия) 1—2-сериялар.
22.25 Цирк дастури.
23.15 — 23.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Зарафшон».

IV

9.00 «Аэробика».
9.20 Эълонлар.
9.25 «Шанба эртаги».
10.25 «Рақслар қанотида».
10.55 «Граф Монте-Кристо». Бадиий фильм.
13.35 «Изучаем корейский язык».
13.55 — 14.50 «Ишингиз бароридан келсин».

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
19.55 «Шанба оқшомида».
20.05 «Аёл».
20.25 «Спектаклдан сўнг».
20.55 «Биргаликда куйлайлик».
21.10 Эълонлар.
21.15 «Самодаги олмослар». Телесериал. (АҚШ).
21.55 «Тақдирлар».
22.20 «Ассалом, Франция!»
22.55 «Бу ажиб дунё».
23.10 «Хит-коллекция».
23.30 — 23.40 «Хайрли тун!»

ЯКШАНБА, 27

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Қувноқ стартлар».
11.40 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.20 «Мусобақалар, секундлар, очколар».
12.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
13.40 «Ўғри ҳам одам». Бадиий фильм.
14.45 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
15.05 — 16.05 «Болалигим-пошшолигим».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Дунё — болалар нигоҳида». Халқаро кўрик-танлов.
18.40 «Куйла, ёшлигим».
19.00 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Ҳаёт чашмалари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Якшанба оқшомида». Дам олиш концерти.
21.35 «Футбол майдонларида».
22.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
24.00 Эълонлар.
00.05 «Ҳафтанома».
00.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Иқтисодий ислоҳот уфқлари».
01.05 — 01.10 Ватан тимсоллари.

II

9.00 «Боланинг тили...»
9.15 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
9.30 «Қонун ҳимоясида».
9.40 «Дилором наволар».
10.00 «Бизнес-академия».
10.20 «Дармон».
10.35 «Ханда дўкони».
10.55 «Глобус». Телеальманах.
11.15 «Даллас». Телесериал.
12.05 «Интер-футбол».
12.20 — 13.55 Видео-«О».

*

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Даракчи».
18.15 Эълонлар.
18.20 «Мультипанорама».
18.40 «Турфа олам».
19.00 «Туҳфа».
19.10 «Келгуси ҳафтада».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Бу мунис лаҳзалар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Жараён».
21.15 «Даллас». Телесериал.
22.05 «Миллионлар ўйини».
22.35 «Тақвим, оҳанглар, эълонлар».
22.50 Видео-«О».
00.40 — 00.50 Даракчи.

III

17.25 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси.
17.30 — 20.50

*

20.50 Эълонлар.
20.55 «Ҳурматли одам». Детектив сериали (Италия). 3—4-сериялар.
22.40 — 23.05 «Панорама» (рус тилида).

IV

9.00 «Тонгингиз хайрли бўлсин!»
9.30 «Парле ву франсэ?».
10.00 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
11.30 Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тилида)
11.40 «Киносалон». «Ғайритабиий ўйин». Бадиий фильм.
14.00 «Подиум».
14.20 «Жаглар». Бадиий фильм.
16.00 «Шу куннинг мавзуси».
16.10 «Сенинг вақтинг».
16.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига: «Ўзбекистон — бешинчи давон». «Ўзбектелефильм» маҳсулоти.

* * *

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мульткарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Менинг кўчам».
19.20 «Мусиқий Олимп».
19.40 «Телеташриф».
20.00 «Иштирок этувчилар».
20.30 «Биз ва бизнинг фарзандларимиз».
21.10 «Жаҳон кинематографияси янгиликлари».
21.40 Эълонлар.
21.45 «Киносалон». «Бразилия». Бадиий фильм.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!»

КИМ ОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ МУЛК ҚЎМИТАСИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЎЧМАС МУЛК-БИРЖАСИ ҚУЙИДАГИ КИМ ОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.

Ер участкаси майдони	сони	участка майдони кв. м.	бошланғич нархи, сўм
1997 йил 1 август куни соат 10.00да Паркент тумани Заркент қишлоғининг клубида қуйидаги ер участкаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.			
1. Қорақалпоқ қўрғонидаги 1-12 рақамли ер участкалари	12	400,0	13.400,0
2. Заркент қўрғонидаги 1-12 рақамли ер участкалари	12	400,0	13.400,0
1997 йил 8 август куни соат 10.00 да Янгиобод шаҳрининг Чиғирик қўрғонида ўтказиладиган ер участкаларининг ким ошди савдоси			
1. Чиғирик қўрғонидаги мусиқа мактаби ҳудудидаги 1-26 рақамли ер участкалари	26	600.0	71712.0
2. Чиғирик қўрғонидаги 9-мактаб ҳудудидаги 1-26 рақамли ер участкалари	26	600.0	71712.0
1997 йил 12 август куни соат 10.00 да Янгийўл тумани ҳокимлиги биносида ўтказиладиган ер участкаларининг ким ошди савдоси			
1. Гулбаҳор қўрғонидаги 1—10 рақамли ер участкалари	10	400.0	36288.0
2. Гулбаҳор қўрғонидаги 11-20 рақамли ер участкалари	10	600.0	54432.0

КИМ ОШДИ САВДОСИГА ШОШИЛИНГ!

ҚАТРАЛАР

ОДДИЙ МИСОЛЛАР

ҲАЁЛДАН кўп нарса ўтади. Ҳар бир киши тез-тез ўзига пинҳона саволлар беради.

— Шу тўғримикан? Шундай қилсам бўлармикан? Бошқалар қандай йўл тутар эди?

Бошқалар — демак, одамлар... Одам борки, одамларнинг тафти билан яшайди. Уларга суянади. Улардан ўрганади. Улардек бўлишга интилади.

Чунки, ҳар ким бир нарсага ҳар хил нигоҳ ташлаши мумкин. Айтайлик, сойда сув тўлиб оқмоқда. Бир одам «серобчилик бўлади», деб унинг ёнидан ўтса, яна бир одам «тошиб кетмаса эди», — деб юрагини ҳовучлайди. Бири ҳовликади: — «бу йил сув кам бўлади дейишган эди, кўпку». Бошқаси орзуларидан кема ясайди: — «Эх, севгилим ёнига сузиб борсам эди». Хафсаласи пир бўлган ошиқ эса хўрсинади: — «Ниятларим мана шу сувдек оқиб кетди».

Сув эса оқаверади... Манзилини излайверади.

* * *

... БИР КИШИ лоақал энг яқин сирдоши билан фикрлашмай туриб хеч қачон кўпчилик учун жавоб беролмайди. Чунки, якка одамнинг ўзи, кайфияти, ҳолатига қараб, бир нарсага ҳар хил нигоҳ ташлайди. Айтайлик, у ана ўша сой ёқасидан ҳар куни ўтади. Кеча кайфияти ёмон эди. Пичирлаганди: — «Оқишини-я... Ичи тўла сир!» Эрталаб ишга кетаётганда кўриниши анча яхши эди. Овоз чиқарганди: «Оқмоқда-да, оқаверади, оқаверсин!» Ҳозир эса хизматидан қайтмоқда. Иши бешга ўхшайди. Баралла дейди: «О, нақадар гўзал! Оби ҳаёт! Яшасин ҳаёт!»

Сув эса чайқала-чайқала қирғоқларга бош ура-ура, манзилига шошаберади. Замин шимиб олмаса, сув денгизга қуйилмагунча оқаверади.

МУҲАББАТ КАФТИДА

ОДАМ ҳаёти Одам Ато билан Мома Ҳаволарнинг муҳаббатидан бошланган.

... Курраи замин шу кунгача етиб келгани учун, энг аввало, муҳаббат одида қарздор. У неки бало-қазога учраган бўлса, шу муҳаббат кўксини қалқон қилиб асраб қолди. Бугунги кунда ҳам шу муҳаббат сайёрамизни кафтида ушлаб турибди. Келажакда ҳам, токи шу муҳаббат алангаси ёлқинланиб турар экан, Ердаги ҳаёт олови ўчмайди. Мен Ерни уйимга муҳаббат қўйганимдан севаман. Онам, укам, синглим, оилам ва болаларим, ёрдўстларга бўлган муҳаббатим учқунлардан иборат бўлса, алангаси мана шу замин, мана шу Ерга. Қазоси етган бува, бувиларим ва бошқа яқинларимни бағрига олиб, дўнгалаги билан эслатиб тургани учун эса мен уни кафтимда кўтариб юрсам ҳам камлик қилади.

...Муҳаббат нафратнинг фарзанди десам, ёқамдан ушлайдиганлар ҳам топилар. Бердисини айтсам, нимагадур бўлган нафрат унинг акси бўлган иккинчи нарсага нисбатан муҳаббат уйғотади.

Ҳаётга муҳаббат урушга бўлган нафратдан туғилган.

ДОҒ

ҚИЗИМ кўчадан қайтибди. Разм солсам, оппоқ кўйлаги этагига нимадир тўкилиб, доғи қолибди.

Доғларни ювса кетади. Бирининг ўзи йўқолади, бирини эса қиртишлаб тозалаш мумкин. Лекин кўзга чалинмайдиган доғлар ҳам борки, улар қандай пайдо бўлган бўлса, абадул абад шундайлигича қолади. Уруш доғи баайни ана шундай...

БЎСАҒАДА

ҲАЛИ ВАҚТИ келиб Она Ерда мустаҳкам тинчлик қарор топади. Қурол-аслаҳа қолмайди. Ҳамма бир-бирига ҳақиқий инсондек назар ташлайди. Ғамига ҳам, шодлигига ҳам шерик бўлади. Ниқталадиган чўплар ўз ўрнини фақат салом ва табрик ёзадиган қаламларга бўшатиб беради. Ўқ гилзалари умр узайтирувчи ҳабдорилар сақланадиган идишчаларга айланади. Улардан биттасини тил тагига носдек ташлаб шимасан-у, женьшендан тотингандек, яшариб кетасан. Яшайверасан... Лекин, ўшанда ҳам қанча қиртишланмасин уруш доғи ўчмайди. Тарихнинг XX асрга бағишланган бобидаги бир неча саҳифага Ер юзидаги энг сўнгги уруш тўғрисидаги сатрлар битилади. Миллионлаб одамларнинг шаҳид кетгани қайд этилади.

Лекин, ҳали у кунларга бироз бор.

Уй ичига остона ҳатлаб кирилади... Биз бўсағада турибмиз... Бу уйда мен ва мендан кейинги авлод иштирок этмаган урушнинг гувоҳларидан қанча-қанчасига очилмаган азаю, синдирилмаган нон турибди.

Афсус... Ҳали ҳам уруш деганда Ердаги одамлар у ёқда турсин, туққан онасию, пушти камаридан бўлган бола-чақасини ҳам унутиб вас-васага тушадиганлар кўп. Ҳаётни қиёмат-қойимга юзма-юз қилиб қўяоладиган қирғин қуролларини топиш учун умри, заковатини бахш этганлар кўп. Уларни қўллаб-қувватловчи, еяричари, кияр-юрари, ўйнар-куларини таъминловчилар ҳам кўп. Яхшиямки Она Сайёрамиздаги ҳаётни севадиган соф ниятли одамлар улардан ҳам кўп. Кўп ва улардан кучли.

ОДАМЛАР ОРАСИДА

ЕР УСТИДАН аста-секин сузиб ўтган қуёш уфққа ёнбошлади. Яна бир кун адоғига етмоқда.

Ҳозиргина уйдан чиқдим.

Бир чеккада турибман. Ёнатрофимдан одамлар ўтиб боришмоқда. Тоқ, жуфт, кўплашиб. Тез, секин, ўйчанг, жим. Чақ-чақлашиб...

Разм соламан. Бири китоб қўлтиқлаган. Бошқаси тўр халта кўтарган. Бодринг, пиёз. Қоғозга ўралган шиша. Атлас кўйлаги ўзига хўп ярашиб кўчани офтобмисол куйдираётган қиз қўлида гул.

Бир чол невараси билан ҳиёбонга бурилди. Бола бир зум ҳаёли чалғиб, орқада қолди. Чол ҳассасини йўлка четига «дўқ-дўқ» уриб чақирди. Набира хўрозқандини шимганича чопди. Йўлкада ҳиёл гандираклаб келаётган киши буни кўриб илжайди. Дўпписини олиб қоқдида, яна кийди. Ёнидан икки аскар ўтди. Уларнинг қаршисида кампир кўринди. Салом беришди. Ортиларидан тикилиб қолган кампир дуога қўл очди. Пичирлаб икки қўлини юзига тортди. Кейин яна ўз йўлида давом этди...

Узоқ тўхтаб қолган бир менман, шекилли. Бошқа ҳар ким қадам ташламоқда. «Тақ-тақ», «Тук-тук», «Шип-шип», «Тақ-туқ», «Так-так».

Назаримда бу товушлар жамланиб, тарихни қоралаётган қаламнинг «шитир-шитири»га айланмоқда...

Абдужалил ЗОКИРОВ.

Соғлом авлод учун

ҲАМ ШИФО, ҲАМ ХОРДИҚ



Бу сўлим масканга ташриф буюрганимизда саратоннинг жазирама иссиғидан бироз ҳоли, мўътадил ҳаволи жаннатмакон гўшага кириб қолгандек ҳис этдик ўзимизни.

— Болалардаги ўпка сили хасталиги ва беморлар билан алоқада бўлганлар даволаниб, саломатлигини мустаҳкамлайдиган 1-сонли вилоят болалар санаторийси ҳар жиҳатдан қулайликларга эга дейди бўлим мудири, олий тоифали врач Мактуба Сайдалиева, — бизда тажрибали мутахассислар хизмат қилишади. Масалан, 42 йиллик шифокорлик тажрибасига эга бўлган фтизиатр Нина Шевакова, ўз ишининг пухта билимдонлари ҳисобланган ҳамширалар Сабура Нуридинова, Назира Юсупова, Зумрад Абдусамадова, Мавлуда Ҳайдарова кабилар бутун билим ва маҳоратларини болаларни соғломлаштиришдек шарафли ишга сарфламоқдалар.

Санаторийнинг умумий майдони 15 гектар бўлиб, баҳаво ерда жойлашган. Замонавий даволаш ускуналари билан жиҳозланган физиотерапия муолажа хоналари болалар хизматида.

Катта тарбиячи, 23 йилдан бери шу ерда ишлаб келаётган Алишер Болтахўжаев, олий тоифали тарбиячилар Тўлабой Ғоипов, Обид Зокиржонов, Маъсуда Қосимова раҳбарлигида болалар «Қувноқ стартлар», «Ёш теннисчи», «Ёш бадминтончи» каби турли спорт мусобақаларида, қўшиқ ва рақс танловларида иштирок этиб, мазмунли ҳордиқ чиқаришмоқда. Шунингдек, болалар қизиқишлари доирасида турли тўгараклар ҳам ишлаб турипти. Ҳар соҳани қамраб олган бой кутубхона ҳамиша ўғил-қизлар билан гавжум. Катталарнинг ғамхўрлиги ва меҳрибонлиги туфайли болалар бу ерда ўзларини худди уйларидагидек ҳис этишмоқда. Шу боис отаоналар томонидан ўз фарзандларини бу сўлим масканда даволаниб, мириқиб ҳордиқ чиқаришларига бўлган талаб-эҳтиёжлари кундан-кунга ортиб бораётганини тушуниш мумкин.

Миржалол МИРАЛИЕВ.

• Суратларда: санаторий ҳаётидан лавҳалар. Равил АЛБЕКОВ олган суратлар.

Ҳар тўғрида

ҲАММАСИГА АЁЛ САБАБЧИМИ?

◆ Ирс наслдан-наслга ўтувчи ирсиятнинг кичик бўлаги бўлиб, у қисман бўлса ҳам қандайдир ўхшашликнинг шаклланишига олиб келади. Ирсларнинг ноёб хусусиятлари шундаки, улар ниҳоятда ўзгармас бўлиш билан бирга (қатор авлодлар давомида ўзгармайди) наслий ўзгаришлар — мутацияларга қодирдир.

Яқинда Жанубий Африка Республикаси олимлари экспедицияси Зимбабвенинг жанубий-ғарбида ғаройиб кишиларни учратди. Бу унча катта бўлмаган африкалик қабила эди. Унинг аъзолари оёқларининг тўпиғидан пасти иккига бўлинганди. Яъни улар қисқичбақанинг пажаларини эсга соларди. Бу мажруҳликми? Шундай деб бўлармикан? Бу қабила кишилари ўзларини баҳарнав ҳис қилишларини ва бошқалардан ҳеч кам жойлари йўқлигини айтишди. Йоханнесбурглик профессор Филипп Тобиас бу паталогияда фақат битта ягона ирс айбдор деб тушунтиради. Қадим замонларда бу ерда оёқлари қисқичбақаникига ўхшаган аёл туғилган. Унинг болалари, сўнгра уларнинг болаларидан оёқларида бор-йўғи иккита бармоқ бўлган авлодлар туғилаверган. Бориб-бориб бутун қабила қичқибақа оёқларига ўхшаш оёқларга эга бўлаверганлар. Бу қизиқарли ва ғаройиб ахборотни Жанубий Африкада нашр қилинадиган «Стар» газетаси босиб чиқарган.

ҚЎНҒИРОҚЛАР МУЗЕЙИ

◆ ПЕКИНДАГИ Катта қўнғироқ ибодатхонасида қўнғироқлар музейи ишлаб турипти. Бу ерда бутун мамлакатдан тўпланган шундай ноёб асбоблар бор. Уларнинг сони бир неча юзтадир. Энг йирикларининг баландлиги 7 метргача боради, энг кичиклари эса стакандай бўлиб, вазни 500 граммгача етар-етмасдир. Катта қўнғироқ ЮНЛЭ ёки Шоҳ-қўнғироқ жаҳонга машҳур. Тахмин қилишларича, у 1420 йилда қуйилган бўлиб, баландлиги 6,75 метрга тенг келади. Айтишларича, бу қўнғироқнинг овози 50 чақиримдан ҳам эшитилиб туради. Икки юз мингта иероглифлар ёзилган қўнғироқ ҳам машҳурдир. Бу иероглифларда Мин даврининг сиёсати, иқтисодиёти ва маданияти акс этган, шунингдек, буддизм ривоятлари ҳам ёзилган.

---

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

ҲАРБИЙЛАРНИНГ ҒОЛИБОНА ОДИМИ

Бу йил олтин медалга асосий даъвогар бўлган МҲСК футболчилари эса имкониятдаги очколарнинг юз фоизини қўлга киритишди. 16 та учрашувдан сўнг 48 очкого эга бўлган ҳарбийлар ҳали миллий биринчилигимизда қайд этилмаган юксак натижага эришдилар.

МҲСК сафарда «Насаф»ни 4:2 ҳисобида енгган бўлса, Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси Тошкентда «Пахтакор»дан 1:2 ҳисобида мағлубиятга учраб яна қоқилди. Ҳозирда МҲСК билан «Нефтчи»ни саккиз очко ажратиб турипти. Учинчи ўринда бораётган вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси билан «Нефтчи» оралиғида эса уч очко фарқ бор. «Навбаҳор» ўз майдонида «Бухоро» футболчиларини 6:1 ҳисобида мағлуб этишди ва 33 очко билан жадвалнинг тўртинчи поғонасини эгаллаб туришибди.

16-17 июль кунлари бўлиб ўтган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Янгиер» — «Афросиёб»— 3:1, «Чилонзор» — «Сўғдиёна» — 4:0, «Зарафшон» — «Хоразм» — 3:1, «Атласчи» — «Косонсой» — 1:0, «Андижон» — «Сурхон» — 5:1.

ТАҚВИМНИНГ ҚАЛТИС ЎЙИНИМИ БУ?

ВИЛОЯТИМИЗНИНГ «Дўстлик» футбол жамоаси шу кунларда Германияда ўтказилаётган «DESSO-97» кубоги мусобақаларида иштирок этаётганлиги сабабли унинг 21 июлда МҲСК жамоаси билан мамлакат биринчилигидаги режалаштирилган учрашуви 4 августга кўчирилди. Шу куни эса «Дўстлик» МҲСК билан Ўзбекистон кубогининг чорак финал жавоб учрашувини ўтказиши лозим эди. Табиийки, бу баҳснинг муддати ҳам ўзгарди. Мамлакат биринчилиги тақвимининг қалтис ҳазилини қарангки, бу икки жамоа 8 августда бошланадиган иккинчи давранинг биринчи тур ўйинида яна рўбарў келишадиган бўлди.

КЕЧИКТИРИЛГАНИ «МЕТАЛЛУРГ» ФОЙДАСИГА

Биринчи табақа иштирокчилари биринчи даврани тугатиб, қисқа муддатли танаффусга чиқишди. Иккинчи давра ўйинлари 6 августда бошланади. Кўқоннинг «Темирйўлчи» футболчилари кубок беллашувларида қатнашганликлари туфайли уларнинг учта ўйини кечиктирилган эди. Жадвалда пешқадамлик қилаётган «Темирйўлчи» сафарда «Шўрчи» билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаб, «Шўртон»га 0:1 ҳисобида ютқазиб, 5 очко йўқотди. Натижада иккинчи ўринни эгаллаб турган Бекободнинг «Металлург» жамоаси билан пешқадам орасидаги фарқ камайиб, ҳозирда уч очкони ташкил этиб турипти.

МАЙДОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР

ОҲАНГАРОНДАГИ «Цементчи» ўйингоҳида Паркент, Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ ҳамда Оҳангарон туманлари вакиллари иштирокида XYIII хотин-қизлар худудий спартакиадаси бўлиб ўтди. Мусобақа дастурига шохмот-шашка, волейбол, югуриш, узунликка сакраш ҳамда стол тенниси турлари киритилди.

Волейбол беллашувларида Оҳангарон тумани вакиллари, узунликка сакрашда паркентликлар шохмот-шашка турида Юқоричирчиқ спортчилари бош совриндор бўлишди. Мезбонлар дастурнинг югуриш ҳамда шохмот-шашка турларида иккинчи ўринга сазовор бўлишди.

Муқаддас Икромова, Зулфия Мусабекова, Райхон Тойметова, Фотима Икромовалар совринли ўринларни эгаллаб, ўз жамоалари ғалабасига муносиб улуш қўшдилар.

Ғолиблар ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирланишди. Кучлилар август ойида Косонсойда ўтадиган республика хотин-қизлари спартакиадасида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

ОЛМОС БИРИНЧИ

СПОРТНИНГ кикбоксинг тури бўйича ҳалқаро мусобақа Қозон шаҳрида ўтказилди. Унда 22 мамлакатнинг 500 дан зиёд вакили иштирок этди. 75 килограмгача вазнда тошкентлик жаҳон чемпиони Олмос Юсупов яна кучли эканлигини исботлади ва ҳурмат шохсупасининг энг юқорисига кўтарилди. 71 килограмгача вазнда қатнашган Акмал Акромов кумуш, 91 килограмдан юқори вазнда курашган Владимир Резник бронза медалига сазовор бўлди.

Суратларда: югуриш ва шохмот мусобақалари пайти.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Ажабо!

МУМТОЗ МУСИҚАНИ ЁҚТИРИШАДИ

МУСИҚАНИНГ соғиб олинаётган сут миқдорининг кўпайиши ва уруғларнинг ўсишига таъсири ҳали ҳам тушунилмаган жумбоқ бўлиб келаяпти. Бироқ, ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсининг турли вакиллари ундан ҳар хил таъсирланадилар. Масалан, дельфинларга шўх рок-н-ролл ёқади, гуллар эса опера ариялари остида тезроқ очиладилар.

Инсон саломатлигига қандай мусиқа фойдали? Шу йўлда тадқиқотлар олиб борган Швециянинг Умла шаҳридаги университет профессори Улоф Бюрген сўров маълумотларини тўплаб, унда 12 минг нафар киши қатнашди, қуйидаги хулосага келди: инсон саломатлиги учун худди шу мумтоз, бирорта бошқаси эмас, мусиқа фойдали экан. Бундай мусиқа ихлосмандларининг ҳаёти бошқа мусиқани хуш кўрадиганларникига нисбатан узоқ бўлар экан.

Об-ҳаво

ЖАЗИРАМА ЧЎҚҚИСИГА ЧИҚДИ

Ўзбекистон гидрометеорология марказидан хабар беришларича 17 июль куни ҳарорат чўққисига чиқиб, 43,1 даражани ташкил этди. Яқин йиллар ичида чиллада бунчалик кун исимаган эди. 1995 йилнинг шу куни ҳарорат 42,6 даража бўлганди. Бугун ҳавонинг тафти бироз пасайиб, 42 даража иссиқ бўлади, эртадан аста-секин пасайиб, 21-23 июль кунлари кундузи 32-37, кечалари эса 17-22 даража атрофида бўлади.

ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАНЛАР

«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига асосан қуйидагилар Тадбиркорбанкнинг Келес бўлими томонидан тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинади:

1. Ромис — Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани.
2. Булат РХ — Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани.
3. Салом ЛТД — Тошкент ш., Яккасарой тумани.
4. Хумо фирмаси — Тошкент ш., Миробод тумани.
5. Абдурахим хожи ДФХ — Тошкент вилояти, Тошкент тумани.

АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ «ТАДБИРКОР» БАНКИ КЕЛЕС БЎЛИМИ.

Зангиота туманидаги «Тўқимачи» жамоа хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Ўзмедэкспорт» РТСБ қошидаги хўжалик ҳисобидаги ташқи иқтисодий «Лекимпэкс» фирмаси жамоаси фирма директори М. Файзиевга укаси

Мансур ФАЙЗИЕВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0436. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 9.601 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 17.30.